



TARAKKIYAT TADQIQOTLARI | ИССЛЕДОВАНИЯ РАЗВИТИЯ DEVELOPMENT STUDIES

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР | НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ КОНФЕРЕНЦИИ
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCES

Volume II, Issue-23, (November) 2024

Journal homepage: <https://inashr.uz/index.php/rid>

ҚАЛАНДАРОВ Аминжон

*Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси*

СИНГАПУРДА КРАУДФАНДИНГНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Краудфандинг – бу тартибга солувчи эътиборни талаб қиладиган тез ривожланаётган молиявий воситачилик тури. Баъзи мамлакатлар, масалан, Кўшма Штатлар, инвесторларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ краудфандингдаги ички қийинчиликларга жавобан қонунчиликни қабул қилди. Бошқа мамлакатлар молиявий воситачиликни бошқарувчи мавжуд режимларга таянади ва краудфандинг платформалари, инвесторлар ва молия олувчилар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоларга жавобан уларни ўзгартиради. Осиёдаги энг йирик молиявий бозорлардан бири бўлган Сингапурда краудфандингнинг катта ўсиши кузатилди. Мамлакат янги қонунлар қабул қилишдан кўра, ўзининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мослаштиришни танлади. Қуйида Сингапурда кредитга ва акцияларга асосланган краудфандингни тартибга солувчи қоидаларни таҳлил қиламиз ва Сингапурнинг меъёрий-ҳуқуқий базасига оид таклифларни кўриб чиқамиз.

Сингапур краудфандингни тартибга солишда энг кенг тарқалган ёндашувни қўллайди. Қонун чиқарувчи орган томонидан шу пайтгача краудфандинг учун мослаштирилган қонун ҳужжатлари қабул қилинмаган. Сингапур Монетар Регулятори (MAS) молиявий воситачиликни чекловчи мавжуд қоидаларни қўллаш ваколатига эга [2].

MAS краудфандинг феноменини қўллаб-қувватлади ва Сингапурда иш ўринларининг қарийб 70 фоизини яратадиган стартаплар ва кичик ва ўрта корхоналар учун краудфандинг муҳимлигини эътироф этди [3].

Қарз бериш бизнеси билан шуғулланадиган ҳар қандай шахс, хоҳ у принсипал, хоҳ агент сифатида, Сингапурнинг қарз берувчилар рўйхатидан (Singapore's Registrar of Moneylenders) ўтган лицензиясига эга бўлиши керак. Бундай лицензия 20000 сингапур доллари миқдорида депозит ва пул кредити бизнесини бошқариш учун масъул бўлган малакали ва тажрибали шахсни талаб қилади.

Краудфандинг платформалари томонидан тўпланган пул одатда тадбиркорлик субъектларига, кўпинча бошланғич ва кичик ва ўрта корхоналарига йўналтирилганлиги сабабли, фақат кредитга асосланган краудфандингда лицензиялаш талаб этилади. Шундай қилиб, одатий краудфандинг платформ операторлари Сингапурда қарз берувчи лицензиясига эга бўлиш шарт эмас. Фақат аккредитациядан ўтмаган жисмоний шахсларга кредит беришга рухсат берувчи платформалар, яъни P2P кредитлашнинг жуда тор шакли лицензияланиши лозим.

Сингапурда краудфандинг инвесторлари учун қўшимча махсус ҳимоя мавжуд эмас. Шартнома ҳуқуқининг оддий тамойиллари ва ҳуқуқбузарликлар фирибгарлик ва нотўғри маълумотлардан ҳимоя чораларини таъминлайди, аммо бу чекланган амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Инвесторлар ўзлари қурбон бўлган схемалар тўғрисида хабар топганларида, уларнинг шартнома бўйича ҳамкори бўлган компания тугатилиши ёки энди етарлича активларга эга бўлмаслиги мумкин.

Директорлар ёки акциядорлардан товон пули олиш учун корпоратив пардани ечишга уринишлар мураккаб бўлиб, кўп ҳолларда натижа ижобий бўлмайди [5].

Кредиторнинг ягона умиди платформага қарши даъво бўлади, лекин агар платформа фирибгарлик схемасида иштирок этмаса ёки шартнома бўйича ўз зиммасига олган ва муайян мажбуриятларни бузмаса (сармоёга оид тегишли маълумотларни ошкор қилиш ёки компанияни доимий равишда кузатиб бориш), жавобгарликка тортилмайди.

Платформа операторлари ўзларининг молиявий воситачилар сифатидаги ролида Сингапурнинг Қимматли қоғозлар ва Фючерлар тўғрисидаги қонунига (SFA - Singapore's Securities and Futures Act) биноан лицензия олишлари талаб қилиниши мумкин. SFAнинг Иккинчи Жадвалида Сингапур Марказий банки (MAS) томонидан бериладиган Капитал Бозорлари Хизматлари (CMS) лицензиясига эга бўлганлар учун ажратилган молиявий фаолиятлар рўйхати келтирилган [4].

Қимматли қоғозлар билан ишлаш фаолияти SFAнинг тартибга солиш доирасига киради ва Капитал Бозорлари Хизматлари лицензиясини талаб қилади. Сингапурда қимматли қоғозлар кенг қўламли таърифга эга бўлиб, улар орасида облигациялар ҳам бор, масалан, одатдаги қарз воситалари каби облигациялар ва ноталар.

Шу сабабли, компания томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар сотилиши орқали амалга оширилган капитал асосидаги ва қарз асосидаги краудфандинг учун Капитал Бозорлари Хизматлари лицензияси талаб қилинади. Бироқ, агар платформа фақат P2P ёки P2B қарзларни воситачилик қилиш билан шуғулланса ва қимматли қоғозлар билан ишламаса, унга нисбатан лицензия олиш талаби қўйилмаслиги мумкин.

Одатда, платформалар стандарт қарз шартларини тақдим этадилар, лекин агар улар Капитал Бозорлари Хизматлари лицензиясиз фаолият юритаётган бўлса, бу шартларни томонларнинг ўзлари музокара қилиши керак бўлади. Улар компаниялар томонидан чиқарилган маълумотларни инвесторларга юборишлари мумкин, лекин ушбу маълумотларни қандай ўқиш бўйича маслаҳат бермасликлари ва ички тадқиқот хизматларини таклиф қилмасликлари керак.

Умуман олганда, Капитал Бозорлари Хизматлари лицензияси олиш учун - бошқа талаблар қаторида - аризачилар ўз фаолиятларига мос келадиган асосий капитал талабларини бажаришлари ва Сингапур Марказий банкига 100,000 Сингапур доллари миқдорида гаров қўйишлари керак, бу орқали MAS лицензия эгаларининг ёки уларнинг агентларининг нотўғри ҳаракатлари натижасида зарарни кўрган чакана инвесторларга компенсация тўлай олади. Краудфандинг бўйича маслаҳатлашув жараёнида кўтарилган хавотирларга жавобан, MAS краудфандинг платформалари Капитал Бозорлари Хизматлари лицензияси учун қулай шароитлардан, яъни пастроқ асосий капитал талабларидан ва гаров талабидан озод қилиш имкониятларидан фойдаланишлари мумкинлигини аниқлаштирди.

Ушбу қулай шароитлар фақат қуйидаги ҳолларда амал қилади: платформалар мижозларнинг маблағларини бошқармасалар, мижозларнинг активлари ёки позицияларини қабул қилмасалар ва улар фақат аккредитациядан ўтган ёки институционал инвесторлардан маблағ йиғишса.

Платформалар мижозларнинг маблағларини бошқариш, қабул қилиш ёки сақлашдан воз кечишлари кераклиги талаби инвесторларни маблағларининг нотўғри бошқарилишидан ҳимоя қилишга қаратилган. Бу шунингдек, платформаларнинг банкрот бўлишидан йўқотишларни камайтиришга қаратилган. Агар Капитал Бозорлари Хизматлари лицензияси берилган бўлса, платформалар оддий молиявий воситачилиқдан анча кенгроқ хизматларни кўрсатишлари мумкин бўлади. Улар қимматли қоғозлар билан ишлаш, корпоратив молиявий маслаҳатлар бериш, инвестиция бошқаруви, қимматли қоғозларни молиялаштириш, кредит рейтинг хизматлари ва қимматли қоғозлар учун кўриқлаш хизматларини тақдим этишлари мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Kleiner, C. (Ed.). Legal aspects of crowdfunding. In *Ius Comparatum - Global Studies in Comparative Law* (Vol. 55). https://doi.org/10.1007/978-3-030-79264-0_12
2. Monetary Authority of Singapore, Response to Feedback Received – Facilitating Securities-Based Crowdfunding 1, 8 (2016) [hereinafter MAS Response to Feedback Securities-Based Crowdfunding]
3. MAS Consultation Paper Facilitating Securities-Based Crowdfunding, supra note 2, at 3. Booyesen S (2009) The new Moneylenders Act 2008-a lost opportunity? *Sing Acad Law J* 21:394
4. Singapore Statutes Online. (2001). Securities and Futures Act 2001: Second Schedule. Singapore Government. <https://sso.agc.gov.sg/Act/SFA2001?ProvIds=Sc2->
5. Tan ZX (2016). New era of corporate veil-piercing. *Sing Acad Law J* 28(209):238 et seq. Singaporean case law on veil piercing is (as much as its UK counterpart to which Singaporean courts refer) strongly based on considerations specific to a particular case.